



**БАНК ТИЗИМИ ВА ҲАЁТ СУҒУРТАСИ: МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ИККИ  
УСТУНИ.**

**Абдурасулов Илхомжон Икромжон ўғли**

*"Alfa Life Insurance" АЖ Суғурта департаменти директори*

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун молиявий бозорларнинг самарали фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга. Молия тизимининг асосий устунларидан бири бўлган банк сектори ҳамда суғурта тизими ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракат қилмоқда. Банклар иқтисодий фаолиятни молиялаштирувчи манба сифатида, суғурта эса иқтисодий хавф-хатарларни бартараф этувчи тизим сифатида иқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Ўзбекистонда молиявий бозорни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. "Молия тизимидаги барқарорликни таъминлаш, суғурта ва банк соҳасини янада ривожлантириш — иқтисодий ўсишнинг асосий шартларидан биридир. Суғурта бозори иқтисодиётимизнинг муҳим қисмига айланиши шарт."<sup>9</sup>

Мамлакатимизда 2020–2025 йилларга мўлжалланган "Молия бозорини ривожлантириш стратегияси" қабул қилиниши суғурта тизимида туб бурилиш яратди. Унга мувофиқ, "ҳаёт суғуртаси" сегменти алоҳида стратегик йўналиш сифатида белгиланди. Бу ҳужжатга кўра, аҳоли ва тадбиркорлар учун суғурта хизматларини оммалаштириш, молиявий хавфсизлик маданиятини ошириш ва суғурта компанияларининг капитал бозорида иштирокини кенгайтириш кўзда тутилган.

Ҳаёт суғуртаси тизими фақат шахсий хавф-хатарларни бартараф этиш воситаси эмас, балки мамлакат иқтисодиёти учун инвестицион ресурсларни жалб қилувчи молиявий институт сифатида ҳам аҳамият касб этади. Банк тизими билан ўзаро ҳамкорлик орқали суғурта компаниялари молия бозорида ликвидликни таъминлаб, узоқ муддатли маблағларни иқтисодиёт тармоқларига йўналтирмоқда. Шу билан бирга, банк миқозларининг кредит хавфини камайтиришда ҳаёт суғуртаси муҳим омилга айланган.

Жаҳон тажрибасида ҳаёт суғуртаси орқали тўпланган маблағлар мамлакат ички ялпи маҳсулоти (ЯИМ)нинг 5–10 фоизини ташкил этиши мумкин. Масалан, АҚШда суғурта бозори активлари 9 триллион доллардан ортиқни ташкил этса, Японияда бу кўрсаткич ЯИМнинг 15 фоизига тенг. Бу мамлакатларда суғурта маблағлари нафақат фуқаролар хавфсизлиги, балки инвестицион бозорни қувватлантириш учун ҳам хизмат қилади.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2023 йил



Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич ҳозирча жуда паст — ЯИМнинг 1 фоизидан кам. Аммо сўнгги уч йилда суғурта хизматларига талаб 2 баробарга ошгани, аҳоли орасида “ҳаёт суғуртаси” маҳсулотларига қизиқиш ортиб бораётгани ижобий тенденция сифатида қайд этилади. Бугунги кунда жаҳон молия бозорларида банк ва суғурта тизимлари ўзаро чуқур интеграциялашган ҳолда фаолият юритмоқда. Бу жараён молиявий хизматлар бозорида янги маҳсулотлар, мижозлар учун қулайликлар ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, “bankassurance” — яъни банклар орқали суғурта хизматларини таклиф этиш тизими — молиявий ҳамкорликнинг энг самарали йўналишларидан бири сифатида қабул қилинган.

Банк ва суғурта соҳаларининг интеграцияси Европада XX асрнинг охирида кенг тарқалган. Франция, Германия ва Испания каби мамлакатларда суғурта компаниялари банк тармоқлари орқали мижозларга ҳаёт ва мулк суғуртаси хизматларини таклиф этиб, янги бозор сегментларини яратишга эришган. Масалан, Францияда Credit Agricole ва BNP Paribas банклари ўзларига тегишли суғурта компаниялари билан биргаликда банкоссуранс моделини муваффақиятли амалга оширган<sup>10</sup>. Бу усул суғурта маҳсулотларини сотиш харажатларини камайтириб, мижозлар базасини кенгайтириш имконини берган.

Японияда эса 2001 йилдан бошлаб банклар суғурта маҳсулотларини эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлди. Натижада, Япония суғурта бозоридаги рақобат кучайди ва мижозлар учун сифатли маҳсулотлар таклиф этила бошлади. Шу билан бирга, рақамли технологиялар, мобил илова орқали суғурта полисларини расмийлаштириш амалиёти ҳам кенг йўлга қўйилди.

АҚШ тажрибасида эса суғурта ва банк тизимларининг чуқур интеграциясига чекловлар бўлса-да, йирик молиявий холдинглар (масалан, JPMorgan Chase, Citigroup) ўзларига тегишли суғурта компаниялари орқали мижозларга комплекс хизматлар кўрсатиб келмоқда. Бу орқали улар молиявий барқарорликни сақлаш билан бирга, даромад манбаларини диверсификация қилган.

Ҳиндистонда “State Bank of India Life Insurance” (SBI Life) компанияси давлат банки билан ҳамкорликда мамлакат аҳолисининг 40% дан ортиғини қамраб олган. Туркияда эса “Türkiye Sigorta” ва “Ziraat Bankası” ҳамкорлиги орқали аҳолининг суғурта фаолиги ошган. Малайзияда эса банкоссуранснинг рақамли платформалар орқали амалга оширилиши суғурта маҳсулотларини оммавийлаштиришда катта самара берган.

Халқаро Валюта Жамғармаси (IMF) ва Жаҳон Банки (World Bank) тавсияларига кўра, банк ва суғурта интеграцияси молиявий тизимда

<sup>10</sup> [www.ca-assurances.com](http://www.ca-assurances.com) маълумотлари асосида



хавфларни диверсификация қилиш, ликвидликни ошириш ҳамда аҳоли молиявий инклюзиясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда молия тизимининг либераллашуви, рақамли ислохотлар ва янги қонунчилик базаси соҳа интеграциясини тезлаштиради. 2021 йилда қабул қилинган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, суғурта компанияларига банклар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш, электрон суғурта платформаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. "Молиявий бозорда рақобат муҳитини яратиш, янги суғурта хизматларини йўлга қўйиш ва банк тизимини замонавий рақамли моделга ўтказиш – бу мамлакат иқтисодий мустақиллигининг асосидир."<sup>11</sup> Бугунги кунда "Kafolat Hayot Insurance", "Alfa Life Insurance", "O'zbekinvest Hayot", "Apex Life" ва "Uzlife" компаниялари Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси бозорининг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Улар банклар билан ҳамкорликда кредит, ипотека ва депозит мижозларига мослаштирилган суғурта маҳсулотларини таклиф этмоқда.

Банк тизими ва ҳаёт суғуртаси ўртасидаги самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун қатор амалий чоралар кўриш зарур. Аввало, бу йўналишдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асосни такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан "Банкосуранс тўғрисида"ги алоҳида қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур қонун банк ва суғурта тизимлари ўртасидаги интеграцияни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди, уларнинг ҳамкорлик механизмларини аниқ белгилайди ҳамда молиявий хизматлар бозорида рақобатни кучайтиради.

Иккинчидан, замонавий ахборот технологияларига асосланган ягона рақамли интеграция платформасини яратиш лозим. Бу тизим банклар ва суғурта компаниялари ўртасида электрон маълумот алмашинувини тезлаштиради, хизмат кўрсатишда шаффофликни таъминлайди ва мижозлар учун қулай шароит яратади.

Учинчидан, молия бозорида яшил молия ва ESG тамойилларини амалга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Банк ва суғурта компаниялари ҳамкорлигида экологик ва ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш орқали нафақат иқтисодий самарадорликка, балки ижтимоий барқарорликка ҳам эришиш мумкин. Бу ўз навбатида суғурта маҳсулотларининг ижтимоий қийматини оширади.

Тўртинчидан, аҳоли ўртасида суғурта маданиятини ошириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш зарур. Бу йўналишда тарғибот-ташвиқот кампаниялари, таълимий дастурлар ва оммавий ахборот воситалари орқали молиявий саводхонликни ошириш катта аҳамият касб этади. Суғуртага ишончнинг ортиши аҳолини молиявий хавфлардан ҳимоялаш имкониятларини кенгайтиради.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президент нутқи, 2024 йил 21 февраль, Иқтисодий форум.



Бешинчидан, банк тизими ходимлари учун суғурта маҳсулотлари бўйича махсус ўқув дастурлари ва тренинглари жорий этиш лозим. Бу банк хизматларини кенгайтириш, мижозларга комплекс молиявий ечимлар тақдим этиш ва соҳа мутахассисларининг билим даражасини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Япония, Корея ва Туркия каби мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда маҳаллий шароитга мослаштириш банк ва суғурта тизимлари интеграциясини жадаллаштириш имконини беради. Бу асосда қўшма платформалар, инновацион молиявий маҳсулотлар ва инвестиция дастурларини амалга ошириш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, банк тизими ва ҳаёт суғуртаси ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон молия бозорида янги босқични белгилайди. Бу тизим иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳолининг молиявий хавфлардан ҳимоясини таъминлаш ва инвестицион муҳитни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Банк ва суғурта тизимларининг интеграцияси орқали молия бозорида диверсификация кучаяди, капитал айланмаси фаоллашади ва молиявий хизматлар сифати ошади. Шунингдек, ESG стандартларига мос яшил молия тизимини шакллантириш ҳамда аҳолининг молиявий ишончини ошириш мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2023 йил 20 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва суғурта бозорини либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6263-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия бозорини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. — Тошкент, 2022 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президент нутқи, 2024 йил 21 февраль, Иқтисодий форум.
5. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг “Суғурта бозорининг йил яқунлари бўйича ҳисоботи.”
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳисоботлари.
7. И. Иброхимов, У. Адҳамов - Тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш ва уларни такомиллаштириш йўллари “Инновационные исследования в современном мире: теория и практика” 2024/12/16, Вол 3, 135-138



8. И.Иброхимов - Банкларни капитал баҳолаш усуллари, Таълим инноватсияси ва интегратсияси журнали, Вол 4, П: 176-179
9. Худайберганов Ж. "Ҳаёт суғуртаси тизимини ривожлантиришда банк хизматларининг аҳамияти." — "Молия ва Иқтисодиёт" журнали, №2, 2025.
10. И.Иброхимов Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишни яшилаш йўллари // «Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт» журнали. Вол. 3 No.1 (2025).
11. Мусаев Ш. "Ўзбекистон банк тизимида молиявий инновациялар ва интеграция тенденциялари." — Тошкент давлат иқтисодиёт университети, илмий тўплам, 2024.
12. Шиннаев Х. Ўзбекистон суғурта бозори. – Т.: "Иқтисод-Молия" 2013.
13. Шиннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Е., Кенжаев И.Ф. Суғурта иши. Тафаккур бўстони. - Тошкент-2014.
14. [www.ca-assurances.com](http://www.ca-assurances.com)